

Фиқҳ 182-дарс. Намознинг сифати (иккинчи мақола)



19:00 / 21.04.2022 5766

Бу баёндаги ҳар бир сўзнинг ортида кўпгина шаръий далил ва ҳужжатлар турибди. Биз шарҳ давомида уларни қўлдан келганича ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Шу билан бирга, шариат аҳкомларини омма мусулмонларга осонлаштириб ва тартибга солиб беришда фақиҳларнинг беқиёс хизматларини ҳам ёдга олишимиз керак.

Намозхон намозни бошлашни ирода қилса, «ҳамза» ва «бо»ни чўзмасдан такбир айтиб, икки бош бармоғини қулоқларининг юмшоқ жойларига теккизади.

Намоз ўқишни ният қилган одам «Аллоҳу акбар!»нинг «Аллоҳ» ва «акбар» сўзларидаги «А»ни ва «акбар»даги «б»ни чўзмасдан такбир айтади. Агар чўзиб қўйса, намози бузилади. Такбирни тик туриб, қиблага қараган ҳолда айтиш шарт. Ўтирган ҳолида айтиб, кейин тик турса бўлмайди.

Намозга келиб қўшилганда имом рукуъда турган бўлса, у ҳам энгашиб олиб такбир айтса бўлмайди. Аммо такбир айтаётганида қомати тик турганга яқин бўлса бўлади. Тик ҳолатда такбири таҳримани айтиб, сўнг яна бир такбир айтиб, рукуъга кетади.

Имом такбирни овоз чиқариб айтади.

Иқтидо қилувчининг такбири имомникидан олдин тугамаслиги лозим.

Такбир айтиш билан баробар икки қўлнинг бош бармоқлари учи қулоқларнинг юмшоқ жойларига теккизилади.

Бу амалларнинг ҳужжатлари қуйидагилар:

Имом Муслим Воил ибн Ҳужрдан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозга киришда такбир айтиб, қўлларини кўтариб, қулоқлари билан бир сафга келтирганларини кўрганлари айтилган.

لُؤْسَرَنَ أَكْ: لَأَقِبْ زَاعِنٌ بَءَازِبَلِ نَعِ هُوَ أَرُنُ بٌ قَاحِ سِإِوِي نَطُقَرَادِلِ أَوِي وَأَحْ طَلِ إِوَرِ
هِيَ نُدُّ أَدْحُ هَامَاهُ بِإِنَاكَ إِتَحِ هِيَ دِي غَفَرِ إِصْ إِذِلْ هَلَلِ

Таҳовий, Дора Қутний ва Исҳоқ ибн Роҳовайх Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилишган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, икки қўлларининг бош бармоқларини қулоқлари баробарига кўтарар эдилар».

إِصْ هَلَلِ لُؤْسَرُ تِيَّ أَرِ: لَأَقِ هُنَّ هَلَلِ يَضَرَسَنَ أَعْمُ كِأَحْلِ أَوِي نَطُقَرَادِلِ إِوَرِ
هِيَ نُدُّ أَدْحُ هَامَاهُ بِإِبِ إِذَاحَ فَرَّبَكَ مَلَسَوِ هِيَ لَعْلُ هَلَلِ

Имом Ҳоким ва Дора Қутний Анас розияллоҳу анҳудан шундай ривоят қилган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг такбир айтиб, икки бош бармоқларини қулоқларига кўтарганларини кўрдим».

Қўллар кўтарилганда бармоқлар оддий ҳолатда тутилиб, ички тарафи қиблага қаратилади. Яъни бармоқларнинг ораси ўта ёзиб ҳам

«Суннат – намозда кафтни кафт устига қилиб, киндикнинг остига қўйиб туришдир».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Ҳанафий мазҳабида мана шу ривоят татбиқ қилинган. Буни бошқа кўпчилик уламолар ҳам қўллаганлар.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди